



САМАРҚАНДНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТАЁТГАН БУЮК БУНЁДКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш ва келгусидаги вазифаларни белгилаш мақсадида 23-24 август кунлари Самарқанд вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев ташрифнинг иккинчи кунини Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш билан бошлади. Қўрғон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Бу зиёратгоҳ буюк муҳаддис бобомизнинг мусулмон оламидаги юксак ҳурматига муносиб тарзда қайта қурилмоқда. Мақбара, улкан масжид, миноралар, айвонлар барпо этилмоқда.

Президентимиз ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

— Бу лойиҳани кўп муҳокама қилдик, қайта-қайта келиб кўрдик. Энди қурилишда ҳам шошмаслик керак. Ҳам зиёрат, ҳам ибодат нуқтаи назаридан бу ерда ҳамма шароит бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мажмуа ёнида Имом Бухорий ҳаётини кўрсатувчи электрон музей ташкил этиш таклифини билдирди.

— Яқинда Мадина шаҳрида бўлганимизда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратлари ва ислом цивилизацияси музейини кўрдик. Бу ерда ҳам шунга ўхшаш музей ташкил этсак, яхши бўлар эди. Унда Имом Бухорий бобомизнинг ҳаёти, илм йўли, ўша давр тарихи ахборот технологиялари орқали кўрсатилади. Булар ёшлар, чет эллик сайёҳларнинг яққол тасаввурини қолди.

Музей халқимизга яна бир маънавий хазина бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигига бу борада лойиҳа тайёрлаш топширилди.

Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Ҳизр мажмуасига бориб, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбарасини ҳам зиёрат қилди.

Олий даражадаги ташрифлар, халқаро саммитларнинг вилоятларда ўтиши мамлакат ривожини кўрсатувчи жиҳатлардан бири. Ҳудудлар комплекс ривожлантирилаётгани натижасида сўнгги йилларда бундай йирик тадбирлар турли шаҳарларимизда ўтказилмоқда.

Яқин ойларида Самарқандда бир нечта халқаро даражадаги тадбирлар бўлиб ўтади. Айни пайтда ушбу анжуманларга катта тайёргарлик кўришмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида ушбу жараённи кўздан кечирди.

Самарқанд шаҳрида XIX аср охири — XX аср бошларига оид обидалар кўп. Алишер Навоий ҳамда Шохрух кўчаларида шундай тарихий биноларда миллатлараро дўстлик ва хоржийлик мамлакатлар билан ҳамкорликка бағишланган

музейлар ташкил этиш режалаштирилган.

Президентимиз бу режаларни маъқуллаб, музейларни мазмунан бойитиш, ҳамкор мамлакатлар билан яқин муносабатларни намоён этиш бўйича кўрсатмалар берди.

23 август кунини Самарқанд туманида “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази очилган эди. Бу мажмуа йирик халқаро анжуманларга мезбонлик қилади.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги Конгресс холл ва меҳмонхоналарда яратилган шароитлар билан танишди.

Меҳмонхоналарнинг иккитаси 5 юлдузли ва олтитаси 4 юлдузлидир. Конгресс холлнинг умумий майдони қарийб 6 минг квадрат метр. У 3 минг 500 кишини қабул қилиш қувватига эга. Анжуманлар вақтида ишларини самарали мувофиқлаштириш учун ситуацион марказ ҳам ташкил этилган.

Президентимиз бу ерда хоржий делегациялар, икки томонлама учрашувлар учун қулайликларни ошириш бўйича тавсиялар берди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи якунланди.

Ўза

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРГА АСОССИЗ АРАЛАШУВГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 август кунини ўтказилган тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган мулк ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ:

1. Хусусий мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки бивосита чеклашни назарда тутувчи, мулк ҳуқуқларидан бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ ҳорий этишга тўсқинлик қилувчи қўйидаги тартиблар, талаблар ва чекловлар 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бекор қилинсин:

- а) ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш соҳасида: ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шу жумладан, Вазирилар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш, бундан ушбу ҳужжатларни суд томонидан бекор қилиш

ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳолатлари мустасно;

ер участкасидан ихтиёрий воз келишганда унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишини Вазирилар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан расмийлаштириш. Бунда, ер участкасидан ихтиёрий воз келиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ариза ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади;

юридик шахс тугатилиши муносабати билан унинг ер участкасига (қишлоқ ҳўжалиги ерларидан ташқари) бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш. Бунда, ушбу ҳуқуқлар юридик шахс муассисларига (иштирокчиларга), агар қонунчиликда, таъсис ҳужжатларида ёки муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача шартлар назарда тутилмаган бўлса, уларнинг юридик шахсдаги улушига (қўшилган ҳиссасига) мутаносиб равишда ўтказилади;

ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда компенсация сифатида давлат мулкдаги бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш, бундан кўп квартиралар уйларида жойлашган турар жой объектлари мустасно;

б) турар жойга бўлган мулк ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасида:

турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш, бундан тарафлар ўртасида бошқача келишув тузилган ҳолатлар мустасно;

суд томонидан турар жойга нисбатан инсофли эгалловчи деб топилган жисмоний шахслар ушбу турар жойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб уч йил ўтган натура шаклида талаб қилиб олиш;

в) жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган бино ва иншоотлар, транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасида — мулк ҳуқуқларнинг вужудга келиши учун асос бўлган маъмурий ҳужжатларни ушбу ҳужжатни қабул қилган ёки юқори турувчи маъмурий орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ҳуқуқларни тугатиш, бундан ушбу ҳужжатларни суд томонидан бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳолатлари мустасно;

г) корпоратив муносабатлар соҳасида:

Давоми 2-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МУҲТАШАМ ДУРДОНА

Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда барпо этилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар томонидан юксак эътироф этилмоқда

Бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар эпкинни кириб бормаган соҳа ёки тармок, шаҳар ёхуд қишлоқ қолмади. Ҳар бир инсон ҳаётида ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда. Эркин ва фаровон жамият қуриш, юртдошларимиз учун муносиб шароит яратиш, бир сўз билан айтганда, инсон кадрини улуглашга йўғрилган тарихий янгиланишлардан баҳраманд бўляпмиз. Буни бошпанасиз юртдошларимизнинг уй-жойли, ишсизларнинг даромадли бўлаётгани, аҳолининг ижтимоий ҳимояси яшиланаётгани, бузилган ҳуқуқлари тикланаётгани, худудларда тадбиркорлик, бунёдкорлик ривожланаётгани мисолида кўриб турибмиз.

Кўни кеча кўҳна ва ҳаммаша навқирон Самарқандда бўлиб, бунга яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Шу кеча-кундузда азим шаҳарга йўлингиз тушса, аксарият кентликлар билан суҳбатлашсангиз “шаҳримиз янгидан барпо этиляпти, қайта “туғилляпти”, деган гапни эшитасиз. Ер юзининг сайқали 2,5 минг йилдан ортиқ тарихи мобайнида бу каби улкан бунёдкорликка камдан-кам гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлашмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда барпо этилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар томонидан МУҲТАШАМ ДУРДОНА, дея эътироф этилмоқда.

Юртдошларимизнинг бундай эътирофлари қалбимизда гурур-ифтихор туйғуларини юксалтирган бўлса, дунё кезиб, катта-катта мамлакатларда бўлиб, кўплаб янгиланиш воқеаларга гувоҳ бўлган хорижлик сайёҳларнинг ҳайратга бой эътирофларидан кўнглимиз тоғдек юксалади.

Давоми 3-бетда



ТАШАБУСЛИ БЮДЖЕТ

ЯНГИ ТАЖРИБАНИНГ КАТТА ИЖОБИЙ НАТИЖАСИ

Маълумки, жорий йилдан бошлаб “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси йилга икки марта ўтказилляпти. Биринчи мавсум февраль ойидан 2 апрелга қадар давом этиб, фуқаролар унда ўта фаол иштирок этди. Агар 2021 йил 1 миллион 150 мингта яқин овоз берилган бўлса, шу йилнинг дастлабки босқичида ушбу кўрсаткич қарий олти баробарга ошди.

Яна бир муҳим жиҳати, ўтган йили 41 мингта таклиф билдирилган бўлса, бу йилги биринчи мавсумда улар сони 69 700 дан зиёд бўлди. Худудий ички комиссиялар томонидан саралаб олиш натижасида энг кўп овоз олган 2215 таклиф ғолиб деб топилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил

7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, шу йилнинг февраль-март ойлари давомида ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёнида фуқароларнинг фаол иштироки қайд этилгани ҳолда, ғолиб деб топилган лойиҳаларга қўшимча ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳани амалга ошириш учун республика бюджетидан 85,4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Давоми 5-бетда



ТАДБИРКОРЛИК – СОҲАЛАР ЛОКОМОТИВИ

Бундан ўттиз бир йил муқаддам Ватанимизнинг мустақилликка эришиши ўзлимизга қайтиш, юртимизнинг азалий қадриятлари ва ички имкониятларига таяниш ҳамда давлатимиз ривожини давраини бошлаб берди. Бу йил энг улуг, энг азиз байрамимиз “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиорини асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этиляпти. Зеро, истиқлол халқчил ва демократик тамойилларга асосланган давлат, инсон қадрини устувор бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш имконини берди.

Мустақиллик йиллари Ватанимиз учун том маънодаги уйғониш, тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Иқтисодиёт, илм-фан, маданият, маърифат, маънавият, демократик жамият қурилиши ва бошқа соҳаларда мислсиз ютуқлар қўлга киритилди. Аёни, ихчам бир мақолада барча муваффақиятлар, илдам тараққиётнинг ҳамма самараларини батафсил баён қилишнинг иложи йўқ. Шу боис, наинки иқтисодиёт, балки бошқа кўплаб соҳалар тараққиётига туртки берувчи, уларнинг барқарорлигини таъминловчи муҳим йўналиш — тадбиркорлик тўғрисида, хусусан, ишбилармонлиқни ривожлантиришнинг олти йил муқаддам бошланган янги босқичи ҳақида сўз юритишни жоиз топдик.

Нега десангиз, олти йил олдин бошланган бу борадаги амалий ишлар

самараси бугун мамлакатда тадбиркорликнинг тараққиёти этиб бораётгани, янги-янги субъектлар ташкил этилгани, аҳолининг салмоқли қисми шу соҳада меҳнат қилаётганида намоён бўляпти. Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ ислохотларни айни шу оғриқли нуқтадан бошлагани бежиз эмас. Чунки илгари бир тадбиркор иш бошласа, унинг фаолиятига аралашиб, ҳуда-беҳуда тешириви билан тўсқин қўядиганлар кўп бўларди. Махсулот ишлаб чиқариш, унга бозор топиш, янги иш ўрни яратиш — бари катта машаққат, бу ёқда тадбиркорга ёрдам бериш ўрнига унинг ишига аралашиб, албатта, ривожланиш йўлидаги тўсик эди.

Давоми 4-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, МУЛКНИЙ
МУНОСАБАТЛАРГА АСОСИЗ АРАЛАШУВГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ
КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

давлат органлари томонидан давлат иштирокидаги корхоналар мол-мулкни тасарруф этиш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** ёки **бошқа кўринишдаги маъмурий ҳужжатлар қабул қилиш амалиёти**. Бунда, ҳўжалик жамиятининг устив фондидаги (капиталидаги) давлат улушига (акцияларига) эгаллик қилувчи давлат органлари улушдор (акциядор) сифатида қарорлар қабул қилишни (овоз беришни) юқори турувчи давлат органи билан ёзма тарзда келишиб олиши мумкин;

юридик шахсларнинг устав фондидаги (капиталидаги) гаровга қўйилган улушларни (қўшилган хиссаларни) гаровга олувчининг розилигисиз тасарруф этиш амалиёти. Бунда, мазкур розилик олинмаганлиги таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

2. 2023 йил 1 январдан бошлаб Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими (кейинги ўринларда — UZKAD тизими) **кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри** ҳамда кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар юритиладиган, маълумотларининг ҳақиқийлиги ва ишончлиги давлат томонидан кафолатланганидан яна ахборот тизими этиб белгилансин.

Бунда: UZKAD тизими Гаров реестри, "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри, Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестри, Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри, "Давлат мулки" ахборот тизими, Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг бўлинмалари реестри, лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари ва кўчмас мулк объектларига оид маълумотлар юритилаётган бошқа **барча давлат ахборот тизимлари интеграция қилинади ҳамда реал вақт режимида онлайн маълумот алмашинуви йўлга қўйилади**;

онлайн маълумот алмашинуви пайтида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ қозғош шаклида ёки бошқа ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, шу сабабли UZKAD тизимида бўлмаганлиги аниқланган тақдирда, уч кун ичида ушбу ҳуқуқ UZKAD тизимида ҳақ ундирмасдан ва ариза талаб қилмасдан давлат рўйхатидан ўтказилади ва маълумот тақдим этилади;

кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш UZKAD тизимидаги маълумотлар асосида амалга оширилади, кўчмас мулк ҳақида ушбу тизимда бўлмаган бошқа маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди, маълумотларнинг ҳаққонийлиги давлат томонидан кафолатланади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

жисмоний ва юридик шахсларга солиқларни ҳисоблаш, нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш, давлат хизматлари, банк, коммунал, суғурта ва бошқа оммавий хизматларни кўрсатишда кўчмас мулкка оид барча маълумотлар тегишли давлат органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан UZKAD тизимидан олинди;

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига киритилган ёзувлар ва кўчмас мулк объектлари бўйича **"мулк тарихи"**га оид маълумотлар жисмоний ва юридик шахслар учун очик бўлади ва улардан ҳақ эвазига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фойдаланилади, давлат сирига оид ҳамда "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунда назарда тутилган маълумотлар бундан мустасно.

Кадастр агентлиги қозғош шаклида ёки бошқа ахборот тизимларида давлат рўйхатидан ўтказилган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотларни ҳар бир кўчмас мулк объектини босқичма-босқич идентификациялаган ҳолда UZKAD тизимига тўлиқ ўтказсин.

3. Қўйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича республика марказлаштирилган жамғармаси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулккий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси** (кейинги ўринларда — республика компенсация жамғармаси) этиб;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича ҳудудий марказлаштирилган жамғармалар — **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулккий зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармалар** (кейинги ўринларда — ҳудудий компенсация жамғармалари) этиб қайта номлансин.

4. Маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, 2023 йил 1 январдан бошлаб қўйидагилар натижасида **етказилган зарарлар** республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгилансин;

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига ноқонуний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг киритилиши натижасида уларга ишониб ҳаракат қилган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар;

давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонунга ҳилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (харакатсизлиги) натижасида мулкдорга етказилган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган зарар;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга ҳилоф деб топилган ҳаракатлари (харакатсизлиги) туфайли етказилган зарар ва маънавий зиён;

мазкур Фармоннинг 1-банди "б" кичик бандида назарда тутилган ҳолларда турар жой инсофли эгалловчидан талаб қилиб олинмаслиги натижасида мулкдорга етказилган зарар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармоннинг 4-бандига асосан республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар кейинчалик айбдор шахслардан **тўлиқ миқдорда регресс тартибид**а ундириб олинади, бундан мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидан назарда тутилган ҳоллар мустасно;

қонунчилиқда ушбу Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган зарарларни қоплашнинг бошқа манбалари белгиланган ҳолларда, компенсация тўловлари республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинчалик ушбу манбалар ҳисобидан қоплаб берилди;

суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланмаган ва (ёки) регресс тартибидан ундириб олиш шартисиз давлат томонидан

қоплаб берилиши кўрсатилган ҳолларда, республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар Давлат бюджетидан қоплаб берилди.

6. Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатасининг мулк ҳуқуқи дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулккий муносабатларга асосиз аралашувни чеклаш мақсадида **қўйидаги ҳуқуқий институтларни қонунчилиқда ва юридик амалиётда қўллаш кўламини янада кенгайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин**:

а) **фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари**ни, бунда:

инсофли эгалловчининг мулккий ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг молиявий механизмлари қўлланилади; кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мол-мулк белгиланган тартибда аукцион орқали сотилганда, кредиторнинг розилигига кўра, сотиб олувчига мулкнинг қийматини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди;

б) **маъмурий ва жиний жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган хусусий мулк ҳуқуқини бузиш ҳолатлари рўйхатини**, бунда, мансабдор шахслар ва хизматчиларнинг қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатлардан ташқари қўйидаги ҳаракатлари хусусий мулк ҳуқуқини эркин амалга оширишга аралашиб ва дахлсизлигини бузиш деб ҳисобланади ҳамда уларга нисбатан жиний жавобгарликка тортишга чўлган чоралар қўлланилишига асос бўлади:

мулкка эркин эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишни чеклаш, тақиқ қўйиш, мулккий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни асосиз рад этиш ёки бошқача ҳар қандай кўринишда мулкдор ёки унинг мулккий ҳуқуқларига таъсир ўтказиш;

мулкдорнинг ҳўжалик фаолиятига ёки мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинмадиган ҳосил ва маҳсулотни реализация қилиш ҳамда даромадларни тасарруф этишга аралашиб; хусусий мулк объекти ва у жойлашган ҳудудга, шу жумладан, турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектга мулкдорнинг рухсатисиз кириш, бу ҳақда учинчи шахсларга кўрсатма бериш;

мол-мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш, фойдаланишга бериш ёки бошқача тарзда тасарруф этишга аралашиб, бу тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

мулкдорнинг ижтимоийга зид тарзда мол-мулк билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ёки бошқа давлат ва жамоатчилик вазифаларини юклаш ёхуд номақбул шартларни қўйиш;

мол-мулкдан мулкдорнинг розилигисиз ва тегишли ҳақ тўламасдан фойдаланиш;

мол-мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишга оид маълумотларни сўраш ёки бундай маълумотларни мулкдорнинг рухсатисиз ишлаши;

мулк ва мулккий ҳуқуқлардан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки мулкдорга улардан воз кечишга қаратилган ҳар қандай жисмоний, руҳий ёки бошқа шаклдаги мажбурият чоралар қўллаш, таъйиқ ўтказиш ёхуд мол-мулкни тасарруф этишга доир асосиз талабларни қўйиш;

в) **қилмишнинг жинийлигини истисно қиладиган ҳолатларни, шу жумладан, унинг зарурий мудофаа турини**, бунда:

мулкдор ёки унинг вакили ўз мулкни ҳар қандай таъвоуздан ҳуқуқни бузишга мутаносиб равишда ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасида, шу жумладан, зарурий мудофаа ҳолатида ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

кўчар мулк ўзбошимчалик билан олиб қўйилганда мулкдор таъйиқ қилиш орқали уни қайтарилди олиши, кўчмас мулкка нисбатан эса унга

ўзбошимчалик билан кирган ёки эгаллаб олган шахсин чиқариб юбориш орқали эгаллигини тиклаши мумкин бўлади;

мулкни ўзбошимчалик билан эгаллаш ёки унга кириш ёхуд мулк дахлсизлигини бошқача тарзда бузиш қонунчилиқда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади;

г) **гумон қилинувчи, айбланувчининг мулккий ҳуқуқларига нисбатан "Хабеас корпус" институтини**, бунда, суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни халлаш билан боғлиқ қарорларини қўриб чиқиш учун судга киритиш назарда тутилади; д) давлат органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини **давлат божи орқали тартибга солиш тизимини**, бунда:

давлат органлари ва ташкилотлари судларда давлат божини тўлашдан овоз қилинган ҳолатларни қисқартириб, уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мулккий ҳуқуқларини чеклаш, маҳрум қилиш ёки бошқа ҳар қандай кўринишда таъсир қилишга қаратилган даъволари, аризалари ва шикоятлари учун умумий асосларда давлат божи тўланиши, давлат божини тўлаш бўйича маблағлар бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига киритилиши, ушбу маблағлардан оқилона ва асосли фойдаланилаётганлигини назорат қилиш назарда тутилади;

фуқаролик судларида мол-мулкни ўзганинг ноқонуний эгаллигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар юзасидан даъвогарлар (давлат органлари ва ташкилотлари бундан мустасно) давлат божини тўлашдан овоз қилинади, бунда даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, ундан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда давлат божи ундириш назарда тутилади;

иқтисодий судларда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар юзасидан регрессив даъво қиймати ошишига қараб давлат божи ставкаси пропорционал равишда тушиб боради) давлат божи ставкаларини қўллаш жорий этилади.

7. Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қўйидаги қонун лойиҳаларини киритсин:

"**Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахриридаги лойиҳасини, лойиҳада ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан Фуқаролик, Солиқ, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиши назарда тутилсин;

тадбиркорлик субъектларининг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини асосиз ҳисобдан чиқарганили, ортиқча ундирилган ва тўланган пул маблағларини тадбиркорлик субъектларининг биринчи талабига бинаоан қайтармаганлик учун жавобгарлик белгиланиши назарда тутилсин Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини.

8. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги уч ой муддатда давлат мулки объектларини **республика**

мулки ва муниципал мулк объектларига ажратиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўламини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда қўйидагилар назарда тутилсин:

республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар муниципал мулки, туман (шаҳар) муниципал мулки объектларининг намунавий рўйхати;

республика мулки объектларини бошқаришда Вазирлар Маҳкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, бошқа давлат органлари ва давлат мулкидан фойдаланувчиларнинг вазифаларини аниқ чегаралаш;

республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар муниципал мулки, туман (шаҳар) муниципал мулки объектларини бошқариш бўйича ваколатли тузилмаларни, уларнинг вазифаларини белгилаш;

2025 йилга қадар босқичма-босқич республика мулки объектларини республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) муниципал мулки объектларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджет ва тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш тизимига ўтиш.

9. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотлари 2022 йил якунига қадар ўзлари ҳамда тизим ташкилотлари бошқарувидаги давлат кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг кадастр органларида қонунчилиқда белгиланган тартибда тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

2023 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳуқуқларни кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказилмаган давлат кўчмас мулк объектлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан расмийлаштирилмадиган далолатнома асосида унинг тегишли ҳудудий бошқармасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бегараз ўтказилади.

10. **Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулккий муносабатларга асосиз аралашува йўл қўйма**слик, **хусусий мулкнинг капиталлашува даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Адлия вазирлиги **Халқаро мулк ҳуқуқлари индексида (IPRI)** Ўзбекистон Республикасининг ўрнини тизимли таҳлил қилиб бориш ва уни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

12. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва адлия вазири Р.К.Давлетов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил 1 январга қадар, кейинчалик ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2022 йил 24 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

МИЛЛИЙ ФОРУМ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЯНАДА КУЧАЯДИ

Пойтахтимизда **Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан "Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги"** мавзусида Миллий форум ўтказилди.

Форум ишида вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро ва чет эл нодавлат ташкилотларининг ваколатхоналари, шунингдек, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Миллий форумдан кўзланган асосий мақсад, давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ушбу йўналишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида

маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётини янада кенгайтиришдан иборат.

Ингиллишда қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда Конституциявий ислохотларнинг **"Инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устун"** деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётгани ҳам **Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиянинг** амалий натижасини кўрсатади.

Форумда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова, Ўзбекистон нодавлат нотижорат

ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси Камолитдин Эшонхўжаев ва бошқалар сўнги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат бутунлай ўзгаргани, шунингдек, шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлатнинг очик ҳамкорлиги йўлга қўйилганини алоҳида эътироф этди.

Қайд этилганидек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган жами **33 та қонунчилик ҳужжатларини** қабул қилиш назарда тутилган бўлиб, шу кунга қадар **12 та қонун** қабул қилинди. Бундан ташқари, **10 та** янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, 5 та янги кодекс лойиҳаси, 7 та амалдаги кодекснинг янги тахрири лойиҳаси тайёрланиб, турли босқичларда муҳокамадан ўтмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **7 та фармони** ва **3 та қарори** қабул қилинди.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 4 мартдаги фармони билан **"2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** тасдиқланди. Концепция инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш масалаларини ўз ичига олди.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишига эришилмоқда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизм яратилди.

Соҳадаги кенг кўламли ислохотлар изчиллигини таъминлаш мақсадида Миллий форум янги мажлиси иштирокчилари нодавлат нотижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ёқола этиш ва ҳимоя қилишда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатидаги роли, Конституциявий ислохотларда

фуқаролик жамияти институтларининг иштироки борасида маърузалар қилиб, фикр-мулоҳаза алмашди.

Янги мажлисдан сўнг Миллий форум "Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболлари" ҳамда "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни" деб номланган иккита шўбада давом этди.

Шўба мажлисларида Парламент, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда жамоат ташкилотларининг тажрибали ва амалиётчи раҳбарларининг 10 дан ортиқ маърузалари тингланди.

Маърузалар фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий лойиҳа ва дастурларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элларнинг ижтимоий-маданий ҳуқуқларини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган

шахслар, меҳнат мигрантлари ҳамда одам савдосидан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш масалаларига бағишланди.

Тадбир давомида муҳокама қилинган барча масалалар натижаси бўйича инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар

Буюк Ўзбек йўли

МУХТАШАМ ДУРДОНА

Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда барпо этилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар томонидан юксак эътироф этилмоқда



Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бетда

“Бу фаровон юрт сайёҳларни ўзига мафтун этади. Бунинг боиси, қадимий ва ҳамisha навқирон кентда дунёнинг кўплаб машҳур шаҳарларида учрамайдиган тарих ва бугуннинг уйғунлиги гувоҳ бўласиз. Регистон ва Шохизинда, Амир Темури мақбараси ва Ҳазрати Хизр масжиди, Имом Бухорийи ва Имом Мотуридидий мажмуалари қаторида қад рўстлаётган “Буюк ипак йўли”, “Боқий шаҳар” мажмуалари каби замонавий иншоотлар улугворлиги билан Самарқанднинг қадимий шухратини янада юксалтиради”, деган эътирофлар ҳар биримизга мамнуният бағишлайди.

Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд инсон умри давомида саёҳат қилиши шарт бўлган шаҳарлар қаторида эътироф этилган замирида ҳам ана шу тарихийлик ва замонавийликнинг бир-бирига узукча кўз кўйгандек ярашиб тургани муҳассаб, десак муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, бугун Самарқанд йирик қурилишлар, ободонлаштириш, бир сўз билан айтганда, тарихий узғаришлар, янгиланишлар оғушида. Айниқса, мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида шаҳар янада чирой очди. 23 август кўни очилиш маросими ўтказилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази азим шаҳар шухратига мос тушди. Халқона айтсак, марказ Самарқандга узукча кўз кўйгандек ярашди.

Даврларни боғловчи рамзий кўприк

Самарқанд бир неча минг йиллик бой тарихи, қадимий обидалари, муқаддас қадамжолари билан дунё ахлини ўзига мафтун этиб келган. Ёзнинг саратонидида ҳам, қишнинг қаҳратонидида ҳам бу ердан сайёҳлар қадами бир зум бўлсин, узилмайди. Айниқса, сўнгги йилларда улар оқими янада кўпайди. Яқин йиллар ичидида шаҳарга келувчи сайёҳлар сони 5 миллионга етиши кўтилмоқда. Бу эса “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказидек улкан мажмуа қурилишига зарурат пайдо қилаётган эди.

Туризм юртимиз номини, тарихи, маданияти ва санъатини дунёга танитиш, қолаверса, иқтисодийёт барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам Президентимиз ташаббуси билан 2019 йилда ушбу йирик лойиҳага старт берилди. Самарқанд туманидаги ашқак ашиш канали бўйида 210 гектардан зиёд майдонда улкан мажмуа қурилишига киришилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга бир неча марта келиб, қурилиш ишлари билан танишди. Марказни миллий меъморлик анъаналарига мувофиқ барпо этиш бўйича тавсиялар берди. Бунёдкорлик ишларида малакали қурувчиларимиз билан бирга қурилиш соҳаси ривожланган Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етук мутахассислари иштирок этди. Шу тарихқа қисқа вақтда 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлардан иборат улкан мажмуа қуриб битказилди. Эътиборли жиҳати, марказ йилгига 2 миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Кенқурун. Бугун бугун дунёни ниҳоти осмондаги юлдузларга қиёс Самарқандга қаратилгандек. “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими. Бу тадбирда иштирок этаётганлар қалбидан мамлакат қудрати ва салоҳати, равнақи ва ривож бирма-бир ўтади. Буюк ўзбек йўлининг шиддатли давоми мамлакат раҳбарининг ишонч ва қатъиятга тўла сузларида яна бир қарра намён бўлади.

Президентимиз: “Бу улкан марказ буюк аждодларимиз бунёд этган мухташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий анъаналарини давом эттиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган Учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади, деб ишонаман”, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, мухташам мажмуада ўша даврга оид тарихий манзаралар акс эттирилган. Масалан, “Боқий шаҳар” мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган, Сўғд давлати ҳўмдорининг Корея, Хитой, Хиндистон ва бошқа мамлакатлар

элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган. Қадимий бозор, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос 40 та ҳўнармандлик устахонаси ташкил этилган.

“Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказини шаҳар билан самарали боғлаш, сайёҳлар ва йўловчиларга қўлайлик яратиш мақсадида Ўзбекистонда биринчи монолит шаклидаги янги йўл ўтказгич кўприк қурилди. Марказ билан Уста Умар Жўрақўлов кўчасини боғловчи 940 метрли мажкур кўприкнинг қиймати 113 миллиард сўм. Шунингдек, шаҳарда йўл ҳаракати қатновини тақомиллаштириш мақсадида Ибн Сино ва Рўдакий кўчалари кесиммасида тоннел йўл ўтказгич ва Бўстонсарой кўчасида Сиеб канали устида кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йирик транспорт ва сайёҳлик маркази

Кўп узукча бормайлик. Бундан 5-6 йил илгари ривожланган мамлакатлар аэропортларини кўрган юртдошларимиз бизда ҳам шундай мухташам, замонавий ҳаво кўналғиси бўлса қанийди, деб орзу қилгани бор гап. Юртимизда бошланган катта узғаришлар туфайли бирин-кетин ана шу орзуларимизга ҳам эришялми. Гап шундаки, Самарқанднинг қадимий шухратини тиклаш мақсадида охириги йилларда уни янада кўркам ва обод қилиш, чинакам халқаро туризм марказига айлантириш бўйича бажарилган кенг қўламли ишлар қаторида туризм дарвозаси — Самарқанд халқаро аэропорти Мирзо Улўғбекнинг “Зиқи Кўрагоний” асарига мувожса улуроқ модернизация қилинди.

Тўғриси, мамлакатимиздаги бу каби бунёдкорликларни оддий сўз билан таърифлаш анча мушкул. Лойиҳа доирасида янги терминал, автоурароқ ва бошқа объектлар, узунлиги 3 минг 105 ва эни 60 метр бўлган учиш-қўниши йўлига қурилди. Шунингдек, эътириш-сигнал чироқлари ва аэронавигация ускуналари ўрнатилди. Бу ердаги улкан бунёдкорлик ишлари натижасида янги терминал замонавий дизайнга, соатиға 800 нафар йўловчиға хизмат кўрсатиш имкониятиға эға бўлди. Илгари бу кўрсаткич ҳозиргисининг тенг ярми — 400 нафар эди.

Ушбу ҳаво кўналғиси ҳар қандай одамнинг эътиборини тортади. Чўки аэропорт том қисмида юлдузлар туркуми тасвири туширилган осмон кўриниши акс этган. Фазодан қараганда, айниқса, тўниги осмонда у жуда ажойиб ва улугвор манзара касб этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, чироқлар 50 километр олисдан ҳам кўзға ташланиб туради.

Аэропорт энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган. Бу юкларни қабул қилиш ва жўнатиш, рўйхатдан ўтиш каби хизмат кўрсатиш жараёнлари қисқа муддатда ва сифатли бажарилишини таъминлайди. Кўтиш залида йўловчилар учун замо-



Самарқанд — улкан сайёҳлик салоҳиятиға эға

Дунёнинг йирик туризм марказларидан бири улуроқ, ушбу азим шаҳарда сайёҳлик инфратузилмаси жадал ривожланипти, шўнга мос равишда бу ерга келувчи сайёҳлар сони йилдан-йилға ортиб бормоқда. Янги барпо этилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази, модернизация қилинган халқаро аэропорт ҳам соҳа ривожига хизмат қилиши шўбҳасиз, албатта.

“МУХТАШАМ МАЖМУАДА ЎША ДАВРГА ОИД ТАРИХИЙ МАНЗАРАЛАР АКС ЭТТИРИЛГАН. МАСАЛАН, “БОҚИЙ ШАҲАР” МАЖМУАСИ БЕЗАКЛАРИДА ҚАДИМИЙ АФРОСИЁБ ДЕВОҲЛАРИДА САҚЛАНИБ ҚОЛГАН, СЎҒД ДАВЛАТИ ҲУКМДОРЛИНИНГ КОРЕЯ, ХИТОЙ, ХИНДИСТОН ВА БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ЭЛЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАРОСИМИ ТАСВИРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН. ҚАДИМИЙ БОЗОР, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИГА ХОС 40 ТА ҲУНАРМАНДИК УСТАХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

миллий турмуш-тарзи, урф-одатларига қизиқади. Уларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, туризм хизматлари кўрсатишни ташкил этиш орқали этно ва экстремал туризмини жадал ривожлантириш, пировардида, яхшигина иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Шу мақсадда вилоятда сайёҳлар учун янги туризм йўналишларини ташкил этиш, жўмладан, этно ва экстремал туризм ривожига йўлида тизимли ишлар қилинмоқда. Хўсусан, Ургўт туманидаги Терсақ, Пайариқ туманидаги Чўштепа, Нўробод туманидаги Оқсўй, Каттақўрган туманидаги Андоқсўй ва Кўшработ туманидаги Панат қишлоқларини туризм қишлоғига айлантириш, сайёҳлар учун зарур шароитлар яратиш чоралари қўриляпти.

Мазкур қишлоқларда оливайи меҳмон уйлари, миллий таомлар тайёрланадиган умумий овқатланиш шўбоҳчалари, қўлоплик, каштачилик каби хизматлар йўлга қўйилади. Ушбу лойиҳалар ишға туширилиши орқали 400 та янги иш ўрни яратилиши кўтилмоқда.

Самарқанд туманида Кониғил туризм қишлоғини барпо этиш лойиҳасининг 2-бўсқичи доирасида эса 100 та туризм объекти қурилиб, 500 дан ортўк янги иш ўрни очилади. Бу лойиҳа “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази билан боғланиб кетади.

Экстремал туризм бўйича бугунги кўнда янги 5 та — Амир Темури горигача бўлган Самарқанд-Тарағай, Алвастикўл-Шаршара, Самарқанд-Чўнкаймиш, Самарқанд-Оҳалик-Кенгқўтон ва Самарқанд-Шаршара йўналиши ташкил этилган. Уларда экстремал туризмнинг альпинизм, тоғ бўйлаб пиёда юриш, велосипедда ҳаракатланиш ҳамда спелио туризм йўналишлари йўлга қўйилган.

Умуман олганда, вилоятда туризмини ривожлантириш, сайёҳлар учун муносиб шароит яратиш борасидаги галдаги режалар ҳам тахсинға сазовор. Жўмладан, бугунги кўнда вилоятда соҳа ривожига қаратилган 365 та янги лойиҳа амалға оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларни ишға тушириш орқали 15 мингта яқин янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, 62 та янги туризм йўналиши ташкил этилади. Натижада сайёҳларнинг шаҳарда қўлишини яна бир кўнға узайтириш орқали туризм хизматлари экспортдан 14 миллион доллар қўшимча тушўм таъминланади.

Аҳоли розилиғи — биринчи галдағи вазиға

Биз юқоридида ақсарият самарқандликларнинг “шаҳримиз янғидан барпо этиляпти, қайта “туғилляпти”, дея фахрланаётганини айтиб ўтган эдик. Назаримизда, уларнинг бу фикрини фақатгина туризм ривожига йўлидаги улкан бунёдкорлик ишлари билан боғлаш унчалик тўғри эмас. Зеро, бугунги кўнда вилоятда ҳар бир йўналиш бўйича аҳоли фаровонлигини оширишға қаратилган йирик иқтисодий лойиҳалар ҳаётға татбиқ этиляпти, ижтимоий соҳа самарадорлиғи, инфратузилма яхшиланмоқда.

Масалан, биргина йўл қурилиши соҳасини олайлик. Илгари Самарқандға кўп борганмиз. Ёшлиғимиз ўтган. Узўк йиллар қаровсиз қолган йўллардан ўзимиз юриб, бунинг орғиғини хис қилганмиз. Уйдим-чўкур йўллар йўловчининг вақтини олар, ҳам ортўкча ҳаражатға кўярди. Шу маънода, одамларни рози қилиш йўл инфратузилмаси ҳолатиға ҳам боғлиқ.

2021 йилда вилоятда 1 триллион 146 миллиард сўм эвазига 1 минг 116 километр автомобиль йўли ва 8 та кўприк таъмирланди. Туман ва шаҳарлардаги 800 километр ички ҳўжалик йўллари созланиб, 27 та янги кўприк қурилди.

Самарқанд шаҳри, Ургўт, Пайариқ, Нўробод, Пахтачи ва Нарпай туманларида қарий



навий қўлайликлар яратилган. Бу ердаги болалар майдончаси, ибодатхона, тамаддижоналар ва савдо нуқталари тўну кўн хизмат кўрсатади.

Шу тарихқа дунёда энг замонавийлар сирасига кираётган Самарқанд халқаро аэропорти бир кўнда 70 та самолётға хизмат кўрсатиш қувватиға эға бўлди. Бу режалаштирилган парвозлар сонини ҳафтасига 40 тадан 120 тагача ошириш имконини беради, перроннинг модернизация қилиниши туфайли эса самолётлар тўхташ жойлари сони 24 таға етказилган.

Янги терминалда, шунингдек, 29 та рўйхатға олиш пештахтаси, 8 та чиқиш йўлағи, 4 та телескопик трап, учиб келган йўловчилар учун 15 та паспорт назорати кабинаси мавжуд.

Германиянинг Мюнхен ва Туркиянинг Истанбул халқаро аэропортлари мутахассислари билан ҳамкорликда бу аэропортни йирик транспорт ва сайёҳлик йўлиға айлантириш борасида бошланган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Этно ва экстремал туризм ривожланмоқда

Самарқанд вилоятиға ташриф буюрувчи хорижлик сайёҳларнинг ақсарияти шаҳарнинг тарихий обидалари билан бир қаторда халқимизнинг





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИГА

ТАДБИРКОРЛИК — СОҲАЛАР ЛОКОМОТИВИ



**Ахтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари**

Бошланғич 1-бета

Шу боис, 2016 йилдан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорларга муносабат тубдан ўзгарди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эркин ва самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони эса ушбу соҳада янги даврни, янги имкониятлар эшигини очиб берди. Зеро, ҳужжат билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари, шунингдек, уларни жиноят ишлари доирасида муқобил текширишларнинг барча тури бекор қилинди.

Соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, кейинги беш-олти йилда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат улушини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, олти йил мобайнида бу соҳани тараққий эттиришга қаратилган 20 га яқин қонун, 100 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди.

Бизнес юритишга доир 114 та лицензия ва рўхсатнома бекор қилиниб, 33 фаолият тури билан шуғулланишга киришиш хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рўхсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддаштирилган ҳолда мuddатлари ўртача 2 баробар қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича қўллаб-қўлланма қарорлар бекор қилинди.

Шунингдек, тадбиркорлар билан ишлайдиган, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган Бизнес ошмадан, Бош вазир қабулхоналари сингари бутунлай янги институтлар фаолияти йўлга қўйилди. Бундай қўлайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирди. Энг муҳими, охириги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб 3 баробар ошиб, 1,5 миллионга етди. Бундай юксак марраларга, албатта, муваффақият туфайли, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги изчил ислохотлар натижасида эришдик, десам муболага эмас.

Бугун одамларнинг тадбиркор бўлишига амалий ёрдам берилса, бунёдкорлик янада кенг қўл олаётган кундек равшанлашмоқда. Чунки сўнгги йилларда юртимизда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муайян ишлар қилинди. Натижада қўллаб-қўлланма, хотин-қизлар бизнесини йўлга қўйди, иш билан таъминланди. Кўп субъектлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади. Бу орқали минглаб оилаларга барака кирди, юз минглаб янги иш ўринлари очилди.



Мутахассислар фикрича, мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келяпти. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилаётгани, юқорида айтганимиздек, хусусий бизнеснинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганидан далolat беради.

Тадбиркорлик — қарийб барча соҳалар локомотииви, деган гапда ҳеч бир муболага йўқ. Аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, замонавий хизматлар кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш масалаларида асосий роль ўйнаётган тадбиркорлик ривожланса, албатта, бошқа соҳалар ҳам гуллаб-яшнайдди. Бу ҳақиқатни ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлаяпти.

Ўтган йилги глобал сўров натижаларига кўра, Президентимизнинг тарихий аҳамиятга молик 15 та муҳим ислохоти қаторида “Тадбиркорлик муҳити яхшиланиши, хусусан, бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва уни юритиш бўйича жараёнлар соддаштирилиши” ҳам алоҳида қайд этиб ўтилган.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, бундан 10 йил аввал ўз ишини йўлга қўйиш учун тадбиркорга 276 кун керак бўлган бўлса, айтилган тадбиркорга бу жараён Ўзбекистонда бир неча кунни ташкил этади ва юқори даромадли мамлакатлар кўрсаткичига мос келади.

Кувонарлиси, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган ишлар халқаро иқтисодий ташкилотлар рейтингига ҳам акс этмоқда. Бунинг Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” халқаро рейтингига Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилиши, ислохотлар миқдоси ва самардорлиги бўйича дунёнинг энг яхши 20 та ислохотчи давлати қаторидан жой олгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Қисқаси, мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар муносиб эътироф этилаётди.

Сўнгги йилларда аҳоли ўртасида ва давлат идораларида тадбиркорларга муносабат ўзгарди. Жамиятда уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин ортиб борапти. Чунки мулк ва мулкдорлар, хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний йўли билан ҳимоя қилиниши янада мукамаллашди.

Ана шулардан келиб чиқиб, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий қўнқималар Янги Ўзбекистонда реал воқеаликка айланиб борапти, деб дадил айта оламиз.

Гап шу ҳақда борганида, Президентимизнинг тадбиркорлар билан бевосита очик мулоқотида ишбилармон доира вакиллари томонидан қўллаб-қўлланма ва ташаббуслар билдирилди, муаммолар ўртага ташланди. Ўтган даврда бу учрашувда илгари сурилган ташаббусларнинг аксарияти амалга ошди, дейиш мумкин. Хусусан, ўтган йилги учрашув арасида ва тадбир доирасида тадбиркорлардан келиб тушган минглаб мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш ва тақлифларни амалга оширишга қаратилган катта дастур, 70 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Бизнесни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 130 триллион сўм кредит, 3,5 триллион сўмлик субсидия ва компенсациялар ажратилди. Хорижий валютада кредит олган ва валюта курсининг мунтазам ўсиши сабабли қийин аҳволга тушиб қолган юзлаб тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатлар, шундай муаммога дуч келган тадбиркорларнинг 123 миллион долларга тенг кредитлари миллий валютага ўтказиб берилди. Қўрилиш саноатида цемент, чарм-саноатда бўёқлар ва кимёвий моддалар, мебель саноатида МДФ, фурнитур ва аксессуарлар каби жами 82 турдаги хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар импорт божидан озод қилингани натижасида маҳсулотлар таннархини камайтириш учун шароит яратилди.

Бундай мисолларни қўллаб-қўлланма мумкин.



Лекин ҳозир бу ишлар ҳақида эмас, балки айнан бизнес муҳитининг яхшиланиши тўғрисида тўхталиб ўтишни жоиз билдим. Чунки ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатда бизнесни ривожлантиришга қаратилган улкан ислохотлар амалга оширилди, уларни санаб адоғига етолмайсиз. Бу шиддатли ислохотлар натижасини ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар барпо этилгани, тушуми 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингга ошиб, 26 мингга етгани, яна 1 минг нафари товар айланмасини

солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилиши айтиш мумкин бўлди. Бу борада олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади. Ёки улар ихтиёрий равишда йилга 20–30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига тақдим этиш мажбуриятдан озод этилади.

Айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлаши

бундай лойиҳалар бўйича тадбиркорлар инфратузилмага ўз маблагини сарфласа, уларнинг солиқ базаси шунча суммага камайтирилади.

Мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлашдан иқтисодий ривожланишга эришиб бўлмаслиги яхши маълум. Шу боис, мулоқотда тўртинчи йўналиш сифатида тадбиркорларимиздан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласида 1 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани, энди хусусий мулкка муносабат мутлақо бошқача бўлиши қайд этилди. Хусусан, бундан бундан ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат ва фақат суд тартибига амалга оширилди. Бу мулк ҳуқуқига оид қарорларни ҳокимлар томонидан бекор қилишга йўл қўйилмайди, дегани. Яъни ҳуқуқ берувчи ҳужжатни фақат суд ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин бўлади.

Тадбиркорларни қийнаётган яна бир амалиёт — тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб қўйиш. Чунки ўтган 3 йилда терговчилар томонидан аниқланган зарардан икки баробар кўп мол-мулк хатланган. Шу сабабли энди ҳар бир хатловнинг асосли экани суд томонидан қўриб чиқилади, қарорни фақат суд қабул қилади. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг қудлати масалалари билан боғлиқ, Мулоқотда ушбу масала бешинчи йўналиш сифатида айтилган, бу борада тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилиниши қайд этилди. Шунингдек, тадбиркорларга нисбатан мажбуриятлар қўлга келган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганида, йўл қўйган хатоси учун тадбиркорга 6 ой давомида жазо қўлланилмайди. Келгуси йилдан эса 26 та идоранинг тақдорларини назорат функциялари бекор қилинади.

Шунинг баробарида кичик бизнес вакиллари томонидан солиқ текширувлари билан боғлиқ жарималарнинг тури қўлга келиши масаласи бўйича келиб тушган қўллаб-қўлланма ижобий ечим топади. Жумладан, савдо соҳасида фаолият кўрсатадиган тадбиркорларимизни қарийб 30 йилдан буён қийнаб келадиган муаммо ҳам ечилади, яъни савдо қондаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўлиқ бекор қилинади. Асосийси, биринчи марта хато қилган кичик бизнес вакилларига жазо чораси қўлланилмайди. Бунинг ўрнига камчиликларни бартараф этишга солиқ идоралари қўлмақчи бўладиган тизим жорий этилади.

Энг муҳими, эришилган ютуқлар билан чегаралашиб қолмаганимиз йўқ. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича самардорлиги тан олинган, чуқур ўйланган чора-тадбирлар тизимли ва узлуқсиз давом этапти. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан тадбиркорликни барқарор ривожлантириш бўйича талай қўллаб-қўлланма, салмоқли вазифалар ҳам ўрин олди.

Ушбу йўналишдаги жамки ислохотлар халқ манфаати, инсонлар фаровонлиги қўзланган ҳолда изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинапти. Пировардида, озодлик, истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг эгаси бўлиб, кадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириб, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли, эркин жамият барпо этиш имкониятини яратди.

Умуман, ўтган тарихан қисқа даврда ислохотлар туфайли эришган натижаларимизнинг ҳаммасига, энг аввало, истиқлол, Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли эришмоқдамиз. Зотан, муваффақият бизга “Инсон қадрини унутмай”, “Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун” деган устувор ғояларни тўла рўёбга чиқариш, ҳар бир одамнинг истеъдоди ва қобилиятини намойён этиши учун беқимс имкониятлар беради.

“ 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинмаган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилиши айтиш мумкин бўлди. Бу борада олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади. Ёки улар ихтиёрий равишда йилга 20–30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига тақдим этиш мажбуриятдан озод этилади.

1 миллиондан 10 миллион долларгача етказгани мисолида кўриш мумкин. Шу даврда тадбиркорлардан 220 нафарининг тушуми 100 миллион долларга, мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингга етгани, умумий экспорт ҳажми 30 фоз кўпайгани ҳам диққатга сазовордир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 22 август кунини мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган бу гапни учрашуви янада сермазмун ва самардор бўлди. Тадбир доирасида 29 бизнес вакили давлатимизнинг юксак ордени ва медаллари билан мукофотланди. Шунингдек, кунини кеча 100 ишбилармонлик “Фалол тадбиркор” кўрак нишонига сазовор бўлди. Бундан ташқари, кўп иш ўринлари яратган, ўз соҳасида инновация ва ислохотлар қилган, эл-юрт орасида обрў қозонган бизнес вакиллари меҳнатини эътироф этиш учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонини таъсис этиш тақлифи билдирилди. Бу эътибор ва рағбат тадбиркорларимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантирди.

Ушбу тарихий учрашувда ўтган бир йил давомида қилingan ишлар билан бирга, бугунги кунда соҳада ечимини кутаётган қўллаб-қўлланма масалалар йиғилиб қолгани рўй-рост айтилди. Масалан, янги лойиҳаларни бошлаш, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблагларни қўлайтириш учун тадбиркорларда 6 миллиард доллар қўшимча кредитларга эҳтиёж мавжуд. Бу ҳақда 3 мингга яқин мурожаат келиб тушган. 1,5 минг тадбиркор солиқ маъмуриятчилигининг мураккаблиги ва текширувлар бўйича ўз эътирозини билдирган. Бундан ташқари, тадбиркорлик учун шароит барча туман ва шаҳарларда ҳам бир хил эмас. Инфратузилмага улашиш, ер ва жой ажратиш масалалари бўйича бизнес вакиллари кўплаб муаммолари ҳал этилмагандан турибди. Мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик фаолиятини ағдариш ҳам бизнес вакиллари жиддий ташвишга соляпти. Қолаверса, кичик ва ўрта бизнес тушунчалари, уларнинг ўсишига туртки берадиган алоҳида қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланмаган.

Мулоқотда ушбу муаммолар бирма-бир санаб ўтилиб бешта муҳим йўналишда ташаббуслар илгари сурилди. Биринчи йўналишда корхоналарни тоифаларга ажратиш уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашув белгилаб олинади. Бунда корхоналар йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратишиб, уларнинг 1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес, 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради.

Ушбу жараёнда 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинмаган

эса 370 минг тадбиркор учун катта имконият ва рағбатдир. Келгуси йил 1 январдан бошлаб кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлаши, мулкни сўғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қўллаб-қўлланма берилиши минглаб тадбиркорларнинг айтиш дилидаги гап бўлди.

Бугунги кунда тадбиркорларимиз ўз фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай молиялаштириш тизимини ташкил этишни сўрамоқда. Учрашувда ушбу масала иккинчи муҳим йўналиш сифатида белгилашиб кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилиши таъкидланди. Жумладан, келгуси бир йил учун Молия вазирлиги микро ва кичик бизнес лойиҳалари бўйича Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банкига 500 миллион доллар ресурс ажратади. Ушбу маблағ ўз фаолиятини энди бошлаган тадбиркорларнинг кичик лойиҳалари учун 300 миллион сўмгача, 5 йил мuddатга, 2 йилгача имтиёзли давр билан берилди. Бундай имкониятлар бизнес вакиллари ўз фаолиятини янада кенгайтириб, янги-янги иш ўринлари яратиши, экспорт қўламини кенгайтириш учун замин ҳозирлайди.

Айниқса, тижорат банклари ўрта бизнес лойиҳалари учун халқаро молия бозорларидан давлат кафолатлиси 700 миллион доллар маблағ жалб қилиши, бунда 5 миллион долларгача кредитлар ўрта тадбиркорларга 7 йилдан кам бўлмаган мuddатга 3 йилгача имтиёзли давр билан берилиши мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар фақат тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилгани амалда тўлиқ намойён этди.

Шуни айтиш кераки, кредит бериш билан тадбиркорликни ривожлантириб бўлмайди. Чунки тадбиркорнинг бизнеси юришиб кетиши учун етарли шароит, инфратузилма ва кафолатли бозор ҳам керак. Учунчи йўналиш сифатида қайд этилган бу масала ниҳоятда долзарбдир. Шу сабабли, туман ва шаҳарларнинг шароитидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этилади. Келгуси йилдан эса шарт-шароити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилган ҳолда, уларда солиқ, субсидия, кредит фоизлари учун компенсация ва каффиллик бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланади.

Ўтган йили қиймати 200 миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳаларни барча инфратузилма тармоқларига улашни давлат ўз зиммасига олгани тадбиркорликнинг ривожига кучли туртки беради. Бу билан тадбиркорлардан тушган тақлифлардан келиб чиқиб, яна бир имконият яратилади. Агар

ТАШАБУСЛИ БЮДЖЕТ

OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi
"Ochiq Budjet" Portali

ТАКЛИФЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИНИ МАҲАЛЛИЙ ЙЎЛЛАР ВА КЎЧАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИХАЛАР ТАШКИЛ ҚИЛГАНИ САБАБЛИ "OPENBUDGET.UZ" САЙТИ ОРҚАЛИ "МЕНИНГ ЙЎЛИМ" ЛОЙИХАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.

ЯНГИ ТАЖРИБАНИНГ
КАТТА ИЖОБИЙ
НАТИЖАСИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Кенг жамоатчиликнинг фаоллиги натижасида "Ташаббусли бюджет" жараёнлари доирасида аҳолини кўп йиллардан бери қийнаб келатган ижтимоий муаммолар ижроси таъминланиб келиняпти. Уларнинг самараси туфайли маблағлар тежаллиб, манзилли сарфланмоқда.

Президентимиз шу йил 4 август кунини давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси ҳақида тўхталар экан, "Бизнинг таърибамизда бу ҳам биринчи марта ва жуда катта ижобий натижа берапти. Одамлар шу жараёнларда бевосита ўзлари иштирок этяпти. Бундай лойиҳалар учун яна 1 триллион сўм беришни мўлжал қилганмиз. Энг муҳими, одамлар бундай лойиҳаларга дахлдор бўлиб, бунёд қилинган инфратузилмадан фойдаланиб, уларни асраб-авайлаб фойдаланяпти", дея алоҳида эътироф этди.

ташқари) "клик" орқали бажариш имкониятини беради.

Овоз бериш жараёнида фуқаролар ахборот порталига кирган ҳолда, СМС хизмати ҳамда порталдан рўйхатдан ўтганларнинг шахсий кабинетлари орқали ҳам овоз бериш имкониятига эга. Ўтган давр мобайнида фуқаролар томонидан турли хил телефон рақамлари билан порталдан рўйхатдан ўтиб, "фойдаланувчилар" захирасини шакллантириш ва кейинчалик ушбу аккаунтларни ишга солиш асосида сунъий равишда овозлар сонини кўпайтириш ҳолатлари кузатилган эди.

Уларнинг олдини олиш ва жараённинг ҳаққоний ўтказилишини таъминлаш мақсадида овоз бериш имконияти фақатгина СМС хизмати орқали амалга оширилиши ва рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар томонидан овоз берилишида ҳам уларнинг телефон рақамларига юборилган СМС хабарнома билан амалга оширилиши йўлга қўйилди. Бунда барча овозлар "реал вақт" кўринишида амалга оширилиб, ҳақиқатда амалда бўлган (ишлаб турган) телефон рақамлар орқали овоз берилишига эришилди.

Ўтган давр мобайнида айрим туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан илгари сурилган лойиҳа-

— Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — бюджет маблағларининг сарфланишида фуқаролар фаоллигини янада ошириш ва юртимиздаги мавжуд ички йўллар сифатини яхшилаш, — дейди Молия вазирлиги бўлим бошлиғи ўринбосари Азизжон Ҳасанов. — Шу асосда 2022 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджет параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган йўллар таъмирланишига йўналтирилади. Бу тизим "Ташаббусли бюджет" жараёнларидан фарқли равишда ҳар йили бир маротаба ўтказилади. Ушбу лойиҳа доирасида жорий йилда фуқаролар томонидан 9212 та таклиф келиб тушди. Уларни амалга оширишга 136,3 миллиард сўм йўналтирилди.

Иккинчи мавсумнинг
дастлабки босқичи
нимани кўрсатди?

Жорий йил 15 июлдан "Ташаббусли бюджет" жараёнининг иккинчи мавсуми бошланди. Унинг доирасида фуқаролар томонидан илгари сурилган лойиҳалар бўйича биринчи босқич жараёни 3 августга давом этди.

— Ушбу жараёнда ташаббускор фуқаролар томонидан 61 минг 566 та таклиф келиб тушди, — дейди Азизжон Ҳасанов. — Уларни ҳудудлар кўламида сарҳисоб қиладиган бўлсак, биринчи ўринда 13 691 мингта таклиф билан Сурхондарё вилояти турибди. Бу умумий кўрсаткичнинг 23 фоизини ташкил этади. Уларнинг умумий миқдори Сирдарё, Андижон, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларидан тушган таклифларни жамлаганда ҳам кўп. Энг кам таклиф Сирдарё вилоятидан илгари сурилган бўлиб, улар сони 1 минг 941 тани ташкил этади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг эндиликда нафакат туман ва шаҳар даражасида, балки маҳаллалар кесимида ижросини таъминлаш, мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига эришиш мақсадида бу жараёнда фаол иштирок этган ёки умуман лойиҳалар илгари сурилмаган маҳаллалар рўйхатини шакллантириш тизими жорий этилди. Бу эса келгусида нофаол бўлган маҳалла институтларини аниқлаш ва улар билан тизимли ишларни ташкил этиш имкониятини беради.

Жорий йилдаги "Ташаббусли бюджет" иккинчи мавсумининг дастлабки натижалари лойиҳада республикамиздаги барча маҳаллаларнинг 98 фоизи иштирок этаётганини кўрсатди. Илгари сурилган лойиҳаларнинг 32 фоизи ички йўлларни (пидедалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш, 13 фоизи умумтаълим мактабларини таъмирлаш ёки жиҳозлаш, 12 фоизи эса кўча чироқларини таъмирлаш ва ўрнатишга доир ташаббуслар бўлган.

Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманидаги Бўзатов маҳалласи томонидан 202 та ташаббус илгари сурилган ва бу борада энг фаол иштирок этган масканлар рейтингига биринчи ўринда қайд этилган. Фаоллик бораида кейинги погоналардан Термиз шаҳридаги Маърифат ва Саросиё туманининг Теракзор маҳаллалари жой олган.

Эндиликда илгари сурилган ташаббуслар 23 августга туман ва шаҳар ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқилди. Овоз бериш 24 августдан 12 сентябрга қадар давом этди.



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ИННОВАЦИЯГА АСОСЛАНГАН
ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ

Бугун мамлакатимизда таълим соҳасини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш, педагогик технологияларни жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Чирчиқ давлат педагогика университетида ҳам бу борада самарали саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти.

Жаббор УСАРОВ,
ЧДПУ педагогика
факультети декани,
педагогика
фанлари доктори,
Низомиддин БОЗОРОВ,
университет ахборот
хизмати раҳбари

Мақтаб-лаборатория
самара бермоқда

Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги қарори асосида ташкил этилган олийгоҳ давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 июндаги "Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Чирчиқ давлат педагогика университети мақомини олди.

Ўз фаолиятини 2017/2018 ўқув йилида 3 та факультет билан бошлаган мазкур олий таълим муассасасига фақатгина Тошкент вилоятида яшовчи 750 талаба қабул қилинган эди. Бугунги кунда эса 10 та факультетда 18 107 талаба таҳсил олмақда. Шу қисқа вақт ичида олийгоҳ контингентининг кескин ўсиши ҳамда университет мақомига кўтарилишида ушбу илм даргоҳи раҳбарияти ва жамоаси самарали меҳнат қилди.

Чирчиқ давлат педагогика университети томонидан илмий-услубий

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, Чирчиқ шаҳридаги 8-мактаба талабалар, магистрлар ва профессор-ўқитувчилар педагогик таълим инновацион кластери доирасида фаолият юритиши белгиланган. Профессор-ўқитувчиларнинг умумтаълим фанларини кластерли ёндашув асосида ўқитиши кутилган натижага эришиш имконини берди. Шу асосда фанлардан электрон дарслик ҳамда "Методик тренинглар" мобил иловалари яратилди.

Мақтаб-лаборатория сифатида 2021/2022 ўқув йилида синфларда қўлланилган педагогик ёндашувлар, интерфаол ўқитиш методлари ижобий самарасини берди. Ўқувчиларнинг математика, география, Ўзбекистон тарихи каби фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари 5,7 фоиз ошгани мазкур саъй-ҳаракатларнинг амалий натижа-сидир.

Факультетнинг психология кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан "Бошлангич синф ўқувчиларининг фикрлаш жараёнлари диагностикаси ва ривожланиш динамикаси" лойиҳаси асосида ўзлаштириши паст ўқувчиларга таъсир этувчи ижтимоий-

кўрсатиш мақсадида 1-курс талабаларидан иборат "Педагогик десантура" клуби ташкил этилган. Мактабларда амалиёт ўтаётган талабаларнинг педагогик фаолиятини кенг намоён этишига имконият яратиши клубнинг ўзига хос жиҳатидир. Мазкур клуб талабаларини касбий фаолият билан банд қилиш мақсадида "Индивидуал касбий ривожланиш" дастури ишлаб чиқилган.

"Боғча-лаборатория" лойиҳаси асосида 30-боғчада 2 магистр, 1 талаба фаолият юритмоқда. Кафедранинг "SMART-сенсорика" методик марафонига тайёрланган ишланмалари орқали 23 нафар боғча битирувчиси инклюзив таълимга комплекс тайёрланди. Натижада 12 ўқувчида ижобий ўсиш кўрсаткичлари намоён бўлди.

Келажак таълим шакли

Факультетда аралаш таълим технологияларини қўллашнинг назарий асосларини яратиш ва уни амалиётда қўллаш борасида ҳам эътирофли ишлар амалга оширилди.

Педагогика ва психология йўналиши 1-курс магистрлари учун 2021/2022 ўқув йили 1-йрим йиллигида ўқув машғулотлари аралаш таълим шаклида "Илмий-тадқиқот методологияси" модули бўйича олиб борилди ҳамда уни ташкил этиш бўйича магистрлар билан ҳамкорликда ўқув-услубий қўлланма тайёрланди. Шу ўринда педагогика факультети дефектология йўналиши бўйича 2021/2022 ўқув йилида 2-мутахассислик таълим йўналиши талабалари учун аралаш таълим шакли танланди, шу асосда махсус педагогика кафедраси томонидан улар учун махсус таълим траекториясини белгилаб берувчи намунавий ишчи режа ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Аралаш таълимнинг асосий компоненти мустақил таълимни йўлга қўиш ҳисобланади. Жорий йилнинг апрель-май ойларида "MC GROUP Future Managers" ("Келажак бошқарувчилари") лойиҳаси доирасида қўри курснинг етакчи талабалари томонидан олиб борилган машғулотлар 1-босқич талабаларини психологик бошқаришни ҳам ўз ичига олади. Мазкур машғулотлар 1-босқичда таҳсил олаётган 28 талабадан 16 нафари мустақил таълим олишга тайёр экани ҳақида ҳулоса қилиш имконини берди. Бу эса айна пайтда талабаларнинг аралаш таълимга тайёргарлик даражасини кўрсатди. Университет Россия мактабгача таълим халқаро педагогик академияси билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Талабалар бандлиги —
устувор масала

Университет ташкил топганига беш йил бўлди. Бу кичик мuddат, ammo шу вақт давомида олийгоҳ ўзининг мустахкам ўрнига, мавқеига эга бўлди. Бугунги кунда муассасани тамомлаган талабалар турли ташкилотларда намунавий фаолият юритаётгани университетда таълим сифатли ташкил этилаётгани билан ҳамбарчас боғлиқ.

Бакалавр йўналишида таълим оладиган талабаларнинг эрта педагогик амалиёт ва фаолиятга йўналтирилган, бир томондан, уларнинг малакалари бўлишига замин яратса, иккинчи томондан, уларнинг иш билан таъминланишига ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, педагогика факультетида таҳсил олаётган 2-курснинг 64 нафар ва 1-курснинг 80 нафар талабаси илмий-тадқиқот кўникмасига эга бўлиш билан бирга, меҳнат фаолияти билан ҳам шугулланади.

Муҳтасар айтганда, ҳозирги кунда олийгоҳда педагогик таълим инновацион кластери доирасида замонавий таълим стандартлари, ўқитиш услублари самарали жорий этилмоқда. Бу эса таълим сифатини ошириб, малакали педагог-кадрлар этишиб чиқишига хизмат қилмоқда.



фаолият йўналиши сифатида "педагогик таълим инновацион кластери"ни амалиётга жорий қилиш ҳамда таълим ташкилий-методик жиҳатларини тадқиқ этиш юзасидан қатор илмий-амалий фаолият юритилди. Педагогик таълимда кластер Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, таълим мазмуни ва сифатини ошириш, рақобатбардош, юқори билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли педагоглар тайёрлашда самарадорликни таъминлашга йўналтирилган.

Педагогик таълим инновацион кластерини таълим тизимининг янги ёндашуви сифатида амалиётга жорий этиш мақсадида мавжуд факультетларнинг барчасига устувор илмий-тадқиқот йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, педагогика факультетининг устувор илмий-тадқиқот йўналиши педагогик таълим инновацион кластерининг педагогик ва психологик асосларини яратишдан иборат. Амалий натижадорлик, фаолият кластери амалиётини кўрсатиш мақсадида факультетнинг барча йўналишларидаги фаолият траекторияси ҳамда маҳаллий ва халқаро рейтингдаги ўрнини эгаллаш стратегияси ҳам ҳисобланади.

Чирчиқ давлат педагогика университети инклюзив таълим бўйича республикада етакчи ҳисобланади. Айниқса, олего ва тифлопедагогика йўналишлари бўйича қўйилган илк қадамлар хорижий ҳамкорларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Инклюзив таълимнинг
афзаллиги нимада?

Чирчиқ давлат педагогика университети инклюзив таълим бўйича республикада етакчи ҳисобланади. Айниқса, олего ва тифлопедагогика йўналишлари бўйича қўйилган илк қадамлар хорижий ҳамкорларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Педагогика факультети махсус педагогика кафедрасининг илмий лаборатория мавзуси "Таълим кластери шароитида имконияти чекланган болаларни инклюзив ва ихтисослаштирилган мактаб таълимига комплекс тайёрлаш" деб номланади. Бу бўйича кафедра негизда "Бир сафда" кўнгиллилари ташкил этилди ва унга 83 талаба жалб қилинди. Улар Чирчиқ шаҳрининг 5 та маҳалласида уй таълимига жалб этилган 23 нафардан зиёд ногирон бола билан машғулотлар ўтказмоқда. Шунингдек, 2-, 10-, 15-мактабларнинг бошлангич синфларида таълимда алоҳида эҳтиёжга бор болаларга тезкор методик ёрдам

“ТАШАБУСЛИ БЮДЖЕТ” ОРҚАЛИ ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛГАН ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИ БИЛАН БЕВОСИТА ТАНИШИБ БОРИШ ВА КУЗАТИЛАЁТГАН КАМЧИЛИК ЁКИ МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАР ЮЗАСИДАН ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ХАБАР ҚОЛДИРИШ МАҚСАДИДА “ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ” БЎЛИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. НАТИЖАДА ФУҚАРОЛАР ИШЛАРИНИНГ СИФАТСИЗ ЁКИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИРЛАНМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ ЮЗАСИДАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ХАБАР БЕРИШЛАРИ МУМКИН. БУ ЭСА МАБЛАҒЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ТУРЛИ ХИЛ ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА АЛОҲИДА МЕХАНИЗМ СИФАТИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Ўзгаришлар асосида

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг иккинчи мавсуми бошланишидан аввал ушбу жараёни тартибга солиш ва жойларда кузатилган айрим камчилик ҳамда англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида Олий Мажлис Сенати кенгашининг 2022 йил 30 июндаги қарорига мувофиқ, намунавий низомнинг тегишли бандларида тузатиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

— Бундан ташқари, иккинчи мавсум бошланиши олдида "Очиқ бюджет" ахборот порталида ҳам бир қатор техник ишлар амалга оширилди, — дейди Молия вазирлиги департамент директори Шерзод Муҳаммедов. — Лойиҳаларни илгари суриш ҳамда овоз бериш жараёнлари такомиллаштирилди, унинг шаффоф ҳамда ҳаққоний ўтказилишини таъминлаш мақсадида қўшимча функциялар татиқ этилди.

Хусусан, янги мавсумдан бошлаб лойиҳаларни илгари суришда эндиликда фуқаролар ўзлари яшаб, истиқомат қилиб келатган ҳудуд (туман ёки шаҳар)га қўшимча равишда маҳаллалар фуқаролар йиғинини ҳам танлашлари ва унинг номини киритишда аввалдан шакллантирилган рўйхат ичидан тегишли соҳани танлашлари лозим бўлади. Ушбу ўзгариш авваллабор фуқароларга қўлайлик яратиш ҳамда лойиҳаларни илгари суришда фойдаланувчиларга барча амалларни (лоийҳа матнидан

ларнинг кескин кўпайгани сабабли уларни белгиланган мезонларга мувофиқлиги юзасидан саралаш олимда турли муаммолар юзага келган эди. Жумладан, 400–500 га яқин лойиҳани баҳолаш ва уни амалга оширишнинг техник имкониятларини ўрганиш учун 10 кун вақт етарли бўлмади. Шу сабабли "модерация" жараёнларини ўтказиш мuddатлари қайта кўриб чиқилиб, лойиҳаларни саралаш босқичининг давомийлиги 20 кунни ташкил этади. Бу жараён уч босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир мавсум 60 кун давомда ўтказилади.

"Ташаббусли бюджет" орқали ғолиб деб топилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёни билан бевосита танишиб бориш ва кузатилаётган камчилик ёки муаммоли ҳолатлар юзасидан портал орқали хабар қолдириш мақсадида "Жамоатчилик назорати" бўлими ташкил этилди. Натижада фуқаролар ишларнинг сифатсиз ёки талаб даражасида таъмирланмаслик ҳолатлари юзасидан тўғридан-тўғри портал орқали хабар беришлари мумкин. Бу эса маблағлардан самарали фойдаланиш ва турли хил қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишда алоҳида механизм сифатида хизмат қилади.

Шу билан бирга, таклифларнинг кўпчилигини маҳаллий йўллар ва кўчаларни таъмирлашга қаратилган лойиҳалар ташкил қилгани сабабли "Openbudget.uz" сайти орқали "Менинги йўлим" лойиҳаси ишга туширилди.

ПИШИҚЧИЛИК

ПАРКЕНТ

узумлари



Рахматилла ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мурабийси

Беқасамга бурканган
далалар

Паркент тумани ҳудудини, асосан, қир ва адирликлар ташкил қилади. Заркент қишлоғининг энг баланд нуқтасидан ана шу кенгликларга назар ташлаган киши ажиб гузаллиқнинг гувоҳи бўлади. Табиат барча далаларни беқасам мато билан буркагандек. Поёни кўринмайдиган қатор-қатор симбагазларга бир текис териб қўйилган тоқларнинг яшил, оралиғидаги майдонларнинг оч кўнги ранглари беқасамга қиёслаш мумкин. Улар бағрида офтобда ялтираб турган ҳосил кўзни қамаштиради. Беқасам далаларнинг кенглиги кишини ҳайратга солади. Кам эмас: 14 минг гектар! Бу майдоннинг 10 370 гектари ҳосилли тоқор.

— Узумчилик асосий тармоғимиз, даромад манбаимиз ҳисобланади, — дейди Паркент тумани ҳокими Шоҳруҳ Шоаҳмедов. — Туманимиз буйича ҳар йили 80 минг тоннага яқин сархил узум етиштирамиз. Уларнинг асосий қисми экспорт қилинади. Яна бир қисми туманимиздаги ихтисослаштирилган корхоналарда қайта ишланади. Майимиз ҳам рақобатбардошлиқда Учқоранинг маҳсулотларидан қолишмайди. Бугун ички бозорларимиз ҳам Паркент узумлари билан тўлиб тошган. Туманимиз деҳқону соҳибкорлари бу билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллигига муносиб меҳнат тўхфасини ҳозирламоқда.

Харидори бор,
даллоли йўқ

Бу бозор номи рўйхатларда йўқ. Заркентдан Сўқоққа борадиган катта йўл у қадар серкатнов эмас. Кўча поёнсиз узумзорларнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтади. Соҳибкорлар ўз маҳсулотларини шундайгина катта йўлнинг ёқасига олиб чиқади. Харидор ёғилиб келаверади. Заркентда узумнинг ризамат нави пишиши билан ўз-ўзидан



табиий равишда пайдо бўладиган бозор бу. Унинг бозорқўми йўқ, сотувчиси бор, паттачиси йўқ, харидори бор, даллоли йўқ, тартиби бор. Бозорнинг номи ҳам соҳибкорлар тижоратчилар билан биргаликда соддагина аташган.

Бугун Заркентда ризамат фарқ пишган. Соҳибкорлар узумнинг чиллаки навларини аллақачон йиғиштириб олган. Лекин улар ҳар йили ризамат пишишини интиқлик билан кутишади. Чунки бу нав маҳаллий аҳолининг асосий даромад манбаи ҳисобланади.

Қутилари узум дид билан териб қўйилган. Нархи ҳам ўзига қараб: ўн мингдан ўн беш минг сўмгача. Ундан қиммат маҳсулот йўқ. Бу нарх сотувчи ҳам, тижоратчи ҳам маъқул. Бир шингил узум ҳам сотилмай қолмайди. Башарти қайтса, маҳсулот эртанги бозорга чиқарилмайди. Чунки...

Ризамат нави жуда нозик. Узилганидан кейин кун ўтган сайин шираси ортиб, кўриниши хиралашиб бораверади. Шу боис, у асосан, ички бозорда сотилади. Бу бозорда: “Келиб қолинг, олиб қолинг, ярми шакар, ярми бол” қабилидаги ундовчи қақриқлар ишлатилмайди. Сабаби, маҳсулот ортиқча мақтовга муҳтож эмас.

Узун кесган узум ейди

Бу сўзларни машҳур соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳаммедов бот-бот такрорлар, яна “қалта кесган калтак ейди”, деб қўшиб ҳам кўяр экан. Академик Маҳмуд Мирзаев номидagi Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қибрайдаги филиалида ишлаган Мухаммадкарим Мусамуҳаммедов ҳам отасининг бу ўғитларига риоя қилар эди.

— Ризамат отанинг бу қаби ўғитлари жуда кўп. Улардан кундалик меҳнат фаолиятимизда жуда кўп фойдаланамиз — дейди заркентлик соҳибкорлар. — Биргина мисол. Тоқларда куртак юкласини кўпайтириш, айниқса, воиш усулида узум етиштирилганлар учун кўл келмоқда. Узум етиштиришнинг бу усули билан ҳосилдорлик 1,5–2 баробаргача ошмоқда.

Соҳибкорлар билан суҳбатимиз давомида улар узумчилик илмининг асосчилари ва билимдонларига ишончи ниҳоятда юксак эканини бир мисол билан таърифлаб берди. Яқинда фермер хўжалиги ишчиларидан бири эгизак ўғил кўрибди. Фарзандларига Ҳасан ва Ҳусан деб эмас, Ризамат ва Тожибой деб исм қўйибди.

Ўз вақтида икки марта меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, давлат мукофоти билан сийланган Ризамат Мусамуҳаммедов қарийб бир асрлик умри давомида узумнинг ўттиздан ортиқ навини яратган. Ризамат ана шулардан бири. Бу навининг яратилиш тарихи бевосита Паркент узумчилиги билан боғлиқ.

Мазкур навининг яратилишига узумнинг паркент пуштиси ва каттақўрғон навлари асос бўлган. Узумчилик соҳасида мактаб яратган академик Ризамат ота Мусамуҳаммедов фақатгина селекционер эмас, балки амалиётчи сифатида ҳам доврқ қозонган. Узумни воиш усулида парваришлаб, бир гектар майдондан 70 тонна хирмон кўтаргани китобларга ёзиб қўйилган. Эътиборлиси шундаки, машҳур соҳибкор узумчиликни нафақат юртимизда, унинг ташқарисиди, хусусан, қўшни давлатларда, Кавказорти мамлакатларида ҳам ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятидаги сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувида ризамат узум нави муаллифи Ризамат Мусамуҳаммедов, лимоннинг ўндан ортиқ серхосил навини яратган Зайниддин Фахриддинов, юсупов номли машҳур помидор нави муаллифи Қарим Юсупов, боғдорчилик илмининг ҳақиқий жонқура, академик Маҳмуд Мирзаев, атоқли соҳибкор, Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаев сингари захматкаш инсонларни алоҳида ҳурмат билан тилга олганди. Уларнинг меҳнатлари, кашфиётлари халқимиз учун бугунги кунда ҳам ўз мевасини бераётганини таъкидлади. Президентимиз Ризамат Мусамуҳаммедовнинг соҳадаги юксак

ришланган узумчиликка нисбатан анча юқори бўлишини амалда кўрсатди. Бугун Заркент, қолаверса, бутун туман ҳудудида узум экилмаган ер қолмаган ҳисоби. Бу ишни Тожибой ота бошлаб берган эди, энди ҳамқишлоқлари давом эттирмоқда.

“Хомтоқни қўшниларга
қилдирмаймиз”

Ризамат улгуржи бозориди “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Суҳроб Исмаиловни учратиб қолдик. Фарзандлари билан бозорга узум олиб чиққан экан. Фурсатдан фойдаланиб раисни суҳбатга қорлаймиз. Мухбирлар иш услубини тоза ўзлаштириб олган эканини, раис суҳбатдошига гап қолдирмай, вазиятни силлиққина таърифлаб берди:

— “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилига амал қилиб ишлаётганимизга анча бўлган. Маҳалламиздаги мавжуд 468 та хонадоннинг ҳар бирида узум бор. Бир хонадон ўртача икки ярим тоннадан ҳосил етиштирса, бу ёғини ўзининг ҳисоблаб олаверинг. Зукуржон Эргашев, Ифтихор Болтаев, Шоҳида Эргашева, Ойша Мансурова қаби хонадон эгаларининг узумдан олган йиллик даромади 50–60 миллион сўмни ташкил қилади. Экспорт



“РИЗАМАТ НАВИ ЖУДА НОЗИК. УЗИЛГАНИДАН КЕЙИН КУН ЎТГАН САЙИН ШИРАСИ ОРТИБ, КўРИНИШИ ХИРАЛАШИБ БОРАВЕРАДИ. ШУ БОИС, У АСОСАН, ИЧКИ БОЗОРДА СОТИЛАДИ. БУ БОЗОРДА: “КЕЛИБ ҚОЛИНГ, ОЛИБ ҚОЛИНГ, ЯРМИ ШАКАР, ЯРМИ БОЛ” ҚАБИЛИДАГИ УНДОВЧИ ҚАҚРИҚЛАР ИШЛАТИЛМАЙДИ. САБАБИ, МАҲСУЛОТ ОРТИҚЧА МАҚТОВГА МУҲТОЖ ЭМАС.

тажрибаси ҳақида гапириб, жумладан, бундай деганди:

“Уста соҳибкорнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Паркент туманида Ризамат Мусамуҳаммедов номидagi Узумчилик илмий-амалий марказини ташкил қилиш керак. Ҳар йили халқимиз, хорижий меҳмонлар ва сайёҳлар иштирокида узум сайли ўтказиш анъанасини йўлга қўйсақ, ҳар томонлама тўғри бўлади”.

Бу таклиф пойтахт вилояти аҳли, хусусан, паркентликлар томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаев эса узоқ муддат давомида тумандаги “Заркент” жамоа хўжалиги раҳбарлик қилиб, узумнинг энг яхши навларини маҳаллий шароитга мослаштирди. Деярли фойдаланилмай ётган қир-адирларда гектарлаб узумзорлар яратди. Лалми ердан ҳам узумдан мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини исботлади. Бу усулда етиштирилган маҳсулотнинг таъми ва кўриниши сувли майдонларда парва-

билан шугулланмаган тadbиркорларимиз маҳсулотни аввал маҳалладан йиғишади. Машинасида жой қолса, фермерларга боришади. Нимага дейсизми? Хонадонда етиштирилган узум сифатли бўлади. Чунки узумнинг ҳар бир боши эътиборда бўлади. Бу йил узум ҳосили мўл, чўғи баланд. Бундай ҳосилни етиштиришнинг ўзи бўлмади. Ҳамма гап парваришда, тоқорларга меҳр беришда. Олимплар тили билан айтганда, барча агротехник тadbирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишда. Узумдан мўл ҳосил етиштиришнинг сирини битта. У ҳам бўлса вақтида озиклантириб, сифатли хомтоқ қилиш. Ёши улуглар айтишар эди: ҳовлингдagi узумни ўзинг хомтоқ қилма. Одамнинг табиатида қизғончилик бўлади. Шўра ва барглари кўпроқ қолдиради. Бу ҳосил чўғига таъсир қилади. Шунинг учун қўшнини ҳашарга қақриш керак. У ўзимники яхшироқ бўлсин, деб қўшнисининг тоқидagi барг ва шўраларни аямасдан кесиб ташлайди.



“БУГУН ЗАРКЕНТДА РИЗАМАТ ФАРҚ ПИШГАН. СОҲИБКОРЛАР УЗУМНИНГ ЧИЛЛАКИ НАВЛАРИНИ АЛЛАҚАЧОН ЙИҒИШТИРИБ ОЛГАН. ЛЕКИН УЛАР ҲАР ЙИЛИ РИЗАМАТ ПИШИШНИ ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТИШАДИ. ЧУНКИ БУ НАВ МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИНИНГ АСОСИЙ ДАРОМАД МАНБАИ ҲИСОБЛанаДИ.

Ўзи билмаган ҳолда мўл ҳосилни таъминлаб беради. Бу гаплар ҳозир эскириб қолган. Хомтоқни мутахассислар қилади. Маҳалламизда узумчиликнинг ҳадисини олмаганлар йўқ ҳисоби.

Раиснинг гапини бўлгимиз келмайди. У узум кони фойда эканини қайта-қайта такрорлайди. Барги консервланиб, қишга сақланар экан. Хомтоқ вақтида юлиб ташланган ҳосилдан шифобахш ғўраки тайёрланади. Энг сараланган узум экспорт қилинади. Ички бозор ҳам эътибордан четда қолмайди. Музлаткич камераларини тўлдиришга ҳозирдан тараддуд қўриляпти. Дарвоқе, маҳалладаги 13 та хонадонда кичик ҳажмдаги замонавий музлаткичлар бор. Майиз тайёрлашнинг ота-боболаримиздан қолган усулидан фойдаланишни қишлоқдагилар хуш кўришади. Узум кўеш тушмайди-ган болохоналарда қурилади. Бу жараён узоқ давом этади. Октябр ойида осилган узум келгуси йилнинг февраль ойида майизга айланади. Шундан ҳам узум ортиб қолса, мусаллас солинади. Новдасидан қаламча тайёрланади, кўчат қилинади. Тандирга озроқ ўтин ғамлаб қўйилади. Қолганлари ток учун қишки кўрпа вазифасини ўтайди. Хуллас, кирим бор-у, чиқим йўқ.

— Тараддудингиздан бермоқчи бўлган саволигинизни фаҳмлаб турибман, — дея сўзини давом эттиради маҳалла оқсоқоли. — Шунча меҳнат, шунча даромад. Улар қишлоқ қиёфасида ва аҳоли турмуш даражаси қай даражада акс этмоқда, демоқчи бўляпсизда. Заркентда пасткам уй қолмайди. Ҳавас қиладиган даражадаги меҳмон уйлари, масжид, музлаткичли омборхоналар, тўйхоналар, савдо марказлари қурилади. Буларнинг ҳаммаси тadbиркорларимизнинг маблаглари ҳисобидан бунёд этилди. Шу жойда ҳамқишлоғимиз Норхон Деҳқоннинг номини дафтарингизга ёзиб қўйинг. Бу қаби саҳий тadbиркорларимиз қишлоғимизда кўпайиб бормоқда. Ҳосилни йиғиштириб олган, қарсиллатиб тўйлар қиламиз. Ёшлар меҳнатда тобланигани учун турмушнинг қадрига етади. Жанжал, жиноят, ажрим, қўйди-чиқди йўқ ҳисоби. Бунда бир жон, бир тан бўлиб ишлаётган маҳалла бешлиги — ҳоким ёрданчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторининг ҳиссаси катта. Яқин кунлар ичида “Аёллар дафтари”га киритилган 60 нафар хотин-қизнинг 37 нафари бу рўйхатдан чиқарилди. “Темир дафтар”да эса ногиронлиги бор уч кишининг оила аъзолари қолди, холос. “Ёшлар дафтари”даги кўрсаткичларимиз ҳам, кўз тегмасин, яхши.

Заркент тажрибаси

Бугун Паркент туманида 1428 та қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 9 таси

кластер, 707 таси узумчиликка, 5 таси кўчатчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиқларидир. Узумни қайта ишлайдиган йирик корхоналар сони 12 та. Бу рақамлар туманининг қишлоқ хўжалиғидagi асосий йўналиши узумчилик эканини яна бир қарра кўрсатиб турибди.

Деҳқончилик, шу қатори узумчилик сир-асрорлари ҳали-ҳануз охиригача ўрганилмаган кўринади. Янги-янги ихтиролар, инновацион ғоялар яратилмоқда. Бир вақтлар ток қўтарилмай, ерда ҳосил олинган. Кейинчалик қархотон кунларига қадар узумни суриларда сақлаб туриш усули ҳам жорий қилинди. Бу усуллар тақомиллашиб бораверади.

“Заркент қаҳрамони” агрофирмаси таркибидagi фермер Гавҳар Ризаева узумчилик сир-асрорларини қайнотаси Тожибой Ризаевдан ўзлаштирган. Энди ўзи тақрибли соҳибкор. Унинг хўжалиги ҳисобида 40 гектар узумзор бор. Ҳамкасблари фермер аёл тоқорларига келиб тажрибани ўрганади. Фақат паркентликларгина эмас.

Гавҳар Ризаева Аграр соҳа аёллари уюшмаси аъзоси. У қуни кеча мазкур уюшма йўлланмаси билан Навоий вилоятида хизмат сафарига бўлиб қайтди. Нурота туманидаги Қадоқ ва Чўя қишлоқларидagi томорқа эгалари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашди. Тоқорлар оралаб, бажарилиши лозим бўлган агротехник тadbирларни кўрсатиб берди. Ҳосилни йиғиштириб олиш, сотиш, узум туллари қишлоғга тайёрлаш, уларни қўмишдаги янги усуллар борасидagi тажрибаларни билан ўртоқлашди.

— Минг эшитгандан бир кўрган афзал, — дейишди чўликлар. — Кузда келиб, ўз қўлингиз билан уч-тўрт туп ток кўзим беринг.

Фермер рози бўлди. Бўлажак кўргазмали машғулотдан сўнг Гавҳар олани эрта баҳорда яна Қадоқ ва Чўя қишлоқларига тажрибаси билан ўртоқлашишга таклиф қилинса, ажаб эмас.

“Бизда бори қайда бор?”

Лалми ерда етиштирилган Заркент қишмишлари, ризамату тоифининг бошқа ҳудудлардаги навдошларидан нима фарқи бор? Бунинг билмоқчи бўлганлар шу йил сентябрь ойида Заркентда бўладиган узум сайлига келисин. Ҳар бир узум нави учун алоҳида-алоҳида павильонлар ташкил қилиниши режалаштирилмоқда.

Фақатгина бу узумларни тишлаганингизда хиёл хушёрроқ бўласиз: шарбатга тўлиб, қарсиллаб турадиган узум ширасидан қийимингиз доғланиб, қаршингизда турган суҳбатдошингиз олдида хижолат чекиб қолманг.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма Г-864.
81651 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наширият-матбаа акциядорлик компанияси
Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй